

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ



Содиқова А., Содиқова М.Р.

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БАКАЛАВРЛАРИНИНГ
«ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР»
ФАНИДАН**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2007

Мазкур услубий қўлланма Тошкент кимё-технология институти «Касб таълими» йўналишидаги бакалаврларнинг "Янги педагогик технологиялар" фанидан амалий машғулотларни ўтиш учун мўлжалланган бўлиб, касбий таълим йўналишлари талабаларини илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан қуроллантириш мақсадида яратилган.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдан иборатдир. Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим-тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал қилинмай қолади.

Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун унинг илмий-амалий механизмини яратиш зарур.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳали республикамізда янги педагогик технологияларни, таълим инновацияларини тўплаш, улар ичидан фаолиятимиз учун энг самарадорларини тажриба-синовлардан ўтказиш ва ўқув жараёнига жорий этишни йўлга қўядиган тизим (механизм) шакллантирилмаганлиги учун, биз ўқитувчи амалиётчиларимизнинг ижодий фаолиятларига ёрдам бериш мақсадида шу қўлланмани яратишга қўл урдик.

Услубий қўлланма амалий машғулот давомида талабалар, шунингдек, ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

асс.Содиқова А.

асс.Содиқова М.Р.

Аннотация

“5140900 Касб таълими” (кимёвий ва озиқ – овқат технологияси)

бакалвр йўналиши талабалари учун тузилган ушбу услубий қўлланма амалий машғулотларни ўтиш учун мўлжалланган. Амалий машғулот мавзуларини ўзлаштиришда йўналтирувчи ва жалб қилувчи саволлар, индивидуал топшириқлар, кичик гуруҳларда ишлаш, ФСМУ, “6x6x6”, Т – схема усуллари қўлланилган.

1-амалий машғулот
«Педагогик технология (ўқитишга технологик ёндашув)нинг ўзига хос
хусусиятларини ўрганиш» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 4 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- «Ўқитиш технологияси», «технологик ёндашув», «таълим технологияси» каби тушунчаларни билади ва тушунади;
- Педагогик технологияга берилган таърифларни таҳлил қила олади;
- Ўқитишнинг уч хил ёндашувини фарқлай олади;
- Ўқитишнинг технологик ёндашувини ўзига хос хусусиятларини билади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Ҳар бир талаба ўзи бириктирилган кичик гуруҳда аъзолар билан ҳамкорликда топшириқни бажарадилар;
- Берилган саволларга оғзаки жавоб берадилар;
- Ҳар бир гуруҳ топшириқни бажарадилар баҳс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, хулоса чиқарадилар ва баҳолайдилар;
- Таълимга уч хил ёндашув асосида дарс тузилмаси схемасини тузадилар

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- “Педагогик технология” тушунчасининг таълим тизимидаги аҳамиятини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ “Педагогик технология” тушунчаси маъносини ёритиб бериш ва педагогик технологиянинг назарий асослари тушунтириш.
- ✚ Ўқитишга технологик ёндашувни вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида маълумот бериш;
- ✚ Ўзбекистонда педагогик технологияга оид илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг қарашлари билан таништириш;
- ✚ Таълим тизимида педагогик технологияни пайдо бўлиш зарурлигини асослаш.

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:


1. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1993 йил 5 февраль (Наманган ҳақиқати 1995 й. 6 феврал).
2. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. Т.: ТАДИ.1992. – 74 с.
3. Михайличев Е. А. Норов Ш. К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов. Бух.ИЛПП, 1995. – 24 с.
4. Усмонова М. Н. Педагогические тестирование: история развития и современное состояние. Т.: Адолат. 1995. – 160 с.
5. Фарберман Б. Л. Таълимда энг муҳим янгилик. // Маърифат. 1995 йил. 24 май.

Услубий кўрсатмалар.

Мазкур амалий машғулотни ўтиш мобайнида талаблар кичик гуруҳларда иўлаш маҳоратларини намоён қилишлари ва берилган топшириқларни гуруҳларда муҳокама қилишлари керак. Бунинг учун қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилишлари керак:

1. Талабалар ўтилган мавзулар бўйича етарли назарий билимларга эга бўлиши зарур.
2. Амалий топшириқлар мазмуни аниқ тўла бўлиши лозим.
3. Амалий топшириқларни мазмуни режалаштирилган вақтга мос бўлиши зарур.
4. Топшириқ бажариш жараёнида талабалар мустақил ва эркин фикрлашлари имконият яратилиши зарур.
5. Топшириқ бажариш юзасидан керакли кўрсатмалар олдиндан белгиланиши зарур.

Талабалар гуруҳ бўлиб ишлаганда қуйидаги тартиб билан ишлайдилар:



Таълимга уч хил ёндашувни “Зиг-заг” стратегияси ёрдамида ўзлаштириш технологияси қуйидагича олиб борилади: “Зиг – заг” стратегиясини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- Талабалар 3 та гуруҳга бўлинади; мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 3 та қисмга ажратилади(Таништирув-намоийиш (анъанавий), технологик, изланувчан)
- ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, 3-матн, ва ҳақозолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади;
- белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар;

- вақтни тежаш учун гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар;
- лидерларнинг фикри гуруҳ аъзолари тамонидан тўлдирилиши мумкин;
- барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади;
- бу босқичда ҳам юқоридаги фаолият такрорланади;
шу тахлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн ўқувчилар тамонидан ўзлаштирилади.

1-гуруҳга топширик

1. Таълимга анъанавий ёндошувнинг қиёсий тавсифномасини таърифланг, унинг афзаллик ва камчиликларини таққосланг;
2. Анъанавий дарс тузилмаси схемасини келтиринг.

2-гуруҳга топширик

1. Таълимга технологик ёндошувнинг қиёсий тавсифномасини таърифланг, унинг афзаллик ва камчиликларини таққосланг;
2. Технологик ёндошув асосида ўтказиладиган дарс тузилмаси схемасини келтиринг.

3-гуруҳга топширик

1. Таълимга изланувчан ёндошувнинг қиёсий тавсифномасини таърифланг, унинг афзаллик ва камчиликларини таққосланг;
2. Изланувчан характерлаги дарс тузилмаси схемасини келтиринг.

Дарс якунида талабалар фаоллиги инобатга олиниб, олинган натижалар баҳоланади.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш назорат саволлари

1. Педагогик технологиялар анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?
2. ЮНЕСКО нинг педагогик технологияга таърифида нимага урғу берилган?
3. Педагогик технологиялар бўйича кимлар иш олиб борганлар?
4. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Саноатдаги технология тушунчасини педагогик технология тушунчасига таққосланг.
6. Педагогик технологияларнинг пайдо бўлишида бихевиористик таълимотнинг қандай ғояларидан фойдаланилган?
7. Дастурлаштирилган таълим деганда нимани тушунасиш?
8. Педагогик технологияда таълим натижаларининг фойдаланишига қандай талаблар қўйилади?

Назорат учун тест топшириқлари.

- I. Таърифларнинг қайси олимга тегишли эканлигини аниқланг.
1. Сакомото А. Ўқитиш технологияси психология фани ютуқларининг педагогик амалиётда қўлланишидан иборат.
2. Скиннер Б. Ўқитиш технологияси-илмий ва бошқа билимлардан тизимли равишда амалий масалаларни ҳал этишда қўллашдан иборат
3. Голбрайт В. Педагогик технология - «таълимни тизимлаштириш» ёки «синфдаги ўқитишни тизимлаштириш» каби ғояларни педагогикага тадбиқ этишдан иборат.

II. Педагогик технологияга ЮНЕСКО томонидан берилган таърифни ёзинг.

III. Педагогик технологиянинг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.

а) _____

б) Дидактик қоидалари ўта конструктив бўлмай, замон талабидан орқада қолганлиги.

в) _____

2-амалий машғулот

«Ўқув мақсадларини белгилашнинг усулларини таҳлил қилиш» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма (ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади(нимани билади ва тушунади):

- “Ўқув мақсадлари каталоги” тушунчасини билади ва тушунади;
- “технология”, “технологик жараён” тушунчаларини таҳлил қила олади;
- Ўқув мақсадларини белгилашнинг анъанавий усуллари моҳиятини тушунади;
- Дарснинг ўқув мақсадалри қисмларни таҳлилин қила олади;
- Ёзма матннинг маъносини тушунтиришда яққол маълумотларни ажрата олади; матн лавҳасини асосий ғоясини кўрсатиб бера олади; Матн лавҳасидаги ғояларга якун ясай олади;

Психомоторли мақсадлари(нима қилади):

- Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;
- “Т-схема” асосида фикр юритади. Якка тартибда “Т-схема”ни тўлдиради, ўқитувчига ишни топширади;
- Якка тартибда «ФСМУ» техникаси асосида топшириқни бажариб, ўқитувчига топширадилар;
- Танланган дарснинг ўқув мақсадларини белгилайди.

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Дарс ўтиш жараёнида ўқув мақсадаларини белгилаб олиш ўқув натижаларига эришишни таъминлашини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилин бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Ўқув мақсадалари ва ўқув натижаларини дарс жараёнидаги аҳамиятини тушунтириш;
- ✚ Танланган дарс учун ўқув мақсадларини аниқлашни ўргатиш;
- ✚ Ёзма матнни маъносини тушунишни ўргатиш;
- ✚ “Т-схема” асосида ишлашни таъминлаш;
- ✚ “ФСМУ” техникаси асосида топшириқларни бажартириш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т.:Шарқ 1997. – 64 б.
2. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. Т. : Фан, 1992, - 260 с.
3. Кларин М.В. Педагогическая технология и учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. – М.: Знание. 1989. - 80 с.
4. Буга П., Карпов Б, Технология обучения в высшей школе // Вестник высшей школы. 1991, № 11. С. 15-17
5. Ишматов Қ. Педагогик технологиянинг назарий асослари // Таълим муаммолари 1999. № 1-2, 54-57 б.
6. Нишоналиев У. Инструментарий обучения, воспитание и развитие // Учитель Узбекистана, 7. 10. 1998, N 38 (14613).

Услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулотларни “Т-схема” техникаси ва “ФСМУ” технологияси усулида ташкил этиш талабаларнинг ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлашга, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ва эгалланган назарий билимларни ҳамда ҳосил бўлган малака ва кўникмаларни таҳлил қилишни ўрганади. Шунингдек, олинган билимларни қай даражада эгаллаганликларини баҳолай олиш ҳамда баҳс-мунозора юрита олиш маданияти шаклланади.

«Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари;
- танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;
- маъруза якунида қўлланилади;

**Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади.
Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради**

**Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар.
ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.**

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

Т-схема жадвали

Ўқув мақсадаларини аниқ белгилаб олиш қандай натижа беради?	Аксинча-чи?

**Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси
ФСМУ технологияси**

(Ф) – Фикрингизни баён этинг. (С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. (М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. (У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

« Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади? »

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш назорат саволлари

1. Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?
2. Ўқув материалнинг режасидан келиб чиқиб мақсадни белгилашга мисол келтиринг.
3. Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалашга мисол келтиринг.
4. Ўқув мақсадини ўқувчиларнинг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиш жараёнлари ифодалашга мисол келтиринг.
5. Ўқув мақсадини ўқувчилар фаолияти орқали ифодалашга мисол келтиринг.

6. Ўқув натижалари ўқувчилар фаолиятида ифодаланган, аниқ ва ўлчанадиган бўлишини қандай тушунасиз?
7. Анъанавий усулда ва педагогик технологиялар бўйича ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қандай қаралади?
8. Ўқув натижаларини ифодалашга қўйиладиган талабларни санаб беринг ва изоҳланг.
9. Ўқув натижаларининг аниқ ва ноаниқ ифодаланишига мисол келтиринг ва уларни таққосланг.
10. „Ёзма матннинг маъносини тушуниш“ қандан хусусий натижалардан ташкил топган?
11. Аниқ фанлар (математика, геометрия, биология, кимё) бўйича таълим натижасини ифодалашда қўлланиладиган феълларга мисоллар келтиринг.
12. Ўқув мақсадларини ифодалашда қандай ўзлаштириш даражаларига эътибор берилади?

Назорат учун тест топшириқлар.

I. Ўқув мақсадларини анъанавий усулда белгилашнинг камчиликларини кўрсатинг.

- А. Фақат ўқув материали мазмунини, ўқитувчи ва талаба фаолиятини ифодалайди, аниқ эмас.
- Б. Ўқув материали мазмуни, ўқув дастури мазмуни, дарс мазмунини ифодалайди. аниқ эмас.
- В. Ўқитиш натижаларини ўлчаб бўлмайди.
- Г. Талаба тафаккурини ривожлантирмайди.
- Д. Ҳамма жавоб тўғри.

II. Педагогик технологияда ўқув мақсадлари талабанинг а) _____ кузатиладиган ҳатти-ҳаракатини ифодаловчи б) _____ да ифодаланади.

III. Педагогик технологияда ўқув мақсадларини аниқлаш соҳалари.

- А. Когнитив.
- Б. Тушуниш.
- В. Психомотор.
- Г. Таҳлил.
- Д. Аффектив.

Жавоблар: 1-Г,Б,Д; 2-А,Б,Д; 3-Б,В,Г; 4-А,В,Д.

3-амалий машғулот
«Блум таксономияси» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Б.Блумнинг билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономияси категорияларини билади ва тушунади;
- Асосий категориялар итаҳлил қила олади ва турлар тавсифини таърифлай олади;
- Блум таксономиясини қўллаб, умумий ўқув мақсадларини шакллантира олади;
- Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар рўйхатини айтиб бера олади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- “6х6” техникаси ёрдамида Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси категориялари таҳлилин бажаради;
- Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқади;
- Таққосланадиган мақсадларнинг гуруҳдаги ишланмаси тузади;

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Блум таксономиясини қўллаб, умумий ўқув мақсадларини шакллантиришдаги моҳиятини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилин бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Б.Блумнинг билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономияси категориялари билан таништириш;
- ✚ Ҳар бир категориянинг маъносини ёритиб бериш;
- ✚ Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқиш мазмунини тушунтириш.

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.


Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание 1989-80 с.
2. Фарберман Б. Л. Прогрессивные педагогические технологии Т. : ИПВССШ. 1999. -84 с.
3. Оконь В. Введение в общую дидактику. Пер. с польск. - Л.Г.Кашкуровича,Н.Г.Горина.-М.:Высш.шк.,1990.-387 с.
4. Усова А. В., Бобров А. А. Формирования у учащихся учебных умений М. : Знание 1987. - 80 с.

Услубий кўрсатмалар:

1-вазифа

“6x6x6” Методи



“6x6x6” методи ёрдамида Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси категориялари ўрганилиб, таҳлил қилинади. Бунинг учун гуруҳ талабалари сонига қараб 6 тадан 6та (5 тадан 5та ёки 4 тадан 4та) гуруҳчаларга ажратилади. Сўнг ҳар

бир гуруҳга ўтилатган мавзунинг тегишли қисми тарқатилади, яъни бта гуруҳчага мавзу бта қисмга ажратилади:

1-гуруҳ: Билиш	2-гуруҳ: Тушуниш
3-гуруҳ: Амалда қўллаш	4-гуруҳ: Анализ
5-гуруҳ: Синтез	6-гуруҳ: Баҳолаш

Ҳар бир гуруҳчага топширилган матнларни муҳокама қилиш учун вақт белгиланади. Белгиланган вақт ниҳоясига етганидан сўнг ўқитувчи гуруҳларни қайта шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги бта гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлади. Талабалар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими ҳусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосаларни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.


2-вазифа:



Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқиш юқоридаги схема асосида бажарилади

3-вазифа:

Таққосланадиган мақсадларнинг гуруҳдаги ишланмаси бажариш схемаси:



Бундай жараённи бошқа мақсадларда такрорланг

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш назорат саволлари

1. Ўқув мақсадларини белгилаш усуллари.
2. Педагогик таксономия деб нимага айтилади.
3. Когнитив билишга оид соҳа нима?
4. Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқишнитушунтиринг.
5. Психомотор соҳасига оид таксономиялар ҳақида тушунча беринг.
6. Синтез нима?
7. Баҳолаш нима?
8. Таҳлил қилиш нима?

Назорат учун тест топшириқлар.

I. Блум таксономияси ўқув мақсадларини белгилашнинг когнитив (билиш) соҳасини ифодалайдими? А - ҳа.

Б – йўқ.

II. Блум таксономияси тоифаларининг кетма-кетлигини аниқланг.

А. Билиш.

Б. Тушуниш.

В. қўллаш.

Г. Баҳолаш.

Д. Синтез

Е. Таҳлил.

III. Б.Блум таксономияси категориялари ва уларнинг таркиби:

1. ТУШУНИШ

А. Бутунликни ташкил этиш тамойилини англаш

2. ТАҲЛИЛ

Б. Далил ва оқибат орасидаги фарқ

В. Ўқув мавзусини сўз билан изоҳлашдан математик изоҳлашга ўтиш

Г. Тахминларни аниқлаш

Д. Бўлажак воқеълик ҳақида тахмин қилиш

Тўғри жавоб: 1-В, Г, 2-А, Б,Д

4-амалий машғулот
«Кратвол таксономияси» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- “Тарбия технологияси” тушунчасини билади ва тушунади;
- Кратвол таксономияси категорияларини таҳлил қила олади;
- Кратвол таксономияси моҳиятини тушунади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- “Қора кути” методи орқали кратволнинг тарбия соҳасидаги таксономия категорияларини таҳлил қилади;
- Берилган индивидуал вазифаларни бажаради;

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Кратвол таксономиясининг тарбия соҳасидаги аҳамиятини тушунади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

-  Кратвол таксономияси категориялари мазмун моҳиятини ёритиб бериш;
-  “Қора кути” методи орқали талабалар фаоллигини таъминлаш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание 1989-80 с.
2. Фарберман Б. Л. Прогрессивные педагогические технологии Т. : ИПВССШ. 1999. -84 с.
3. Оконь В. Введение в общую дидактику. Пер. с польск. - Л.Г.Кашкуревича,Н.Г.Горина.-М.:Высш.шк.,1990.-387 с.
4. Усова А. В., Бобров А. А. Формирование у учащихся учебных умений М. : Знание 1987. - 80 с.

Услубий кўрсатмалар:

«Қора кути» методида талабалар гуруҳларга ажралади. Бу методда карточкаларга мавзуга оид тушунчалар ёзилади ва талабалар карточкадаги топшириқларни бирин кетин тўлдириб борадилар, кейин ўқитувчи карточкалардаги вазифаларни текшириб, натижаларни баҳолайди. Баҳо ҳар бир гуруҳга қўйилади, гуруҳ неча баҳо билан баҳоланса, гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига шу баҳо қўйилади.

1-карточка:

“Қабул қилиш” тушунчасига хос тушунчалар

1.1.”сезги”;

1.2.”тайёрлик” ёки “қабул қилиш истаги”;

1.3.”танлов-ихтиёрий диққат”

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижаларига мисоллар келтиринг</i>	
1	
2	
3	
4	

2-карточка:

“Муносабат” тушунчасига хос тушунчалар

2.1. Мансуб муносабат.

2.2. Ихтиёрий муносабат.

2.3. Муносабат орқали қониқиш.

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижаларига мисоллар келтиринг</i>	
1	
2	
3	
4	

3-карточка:

“Қадриятлар ўрнини ўзлаштириш” тушунчасига хос тушунчалар:

3.1. Қадрият ўрнини қабули (одатда ушбу тушунча нуқтаи-назар ёки муносабат дейилади).

3.2. Қадрият ўрнини афзал кўриш.

3.3. Лаёқатлилик, қатъийлик.

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижаларига мисоллар келтиринг</i>	
1	
2	
3	
4	

4-карточка:

“Қадриятлар ўрнини аниқлашни ташкил этиш” тушунчасига хос тушунчалар:

4.1. Қадрият ўрнига ўз муносабатини таҳлил этиш.

4.2. Қадриятлар ўрнини тизимга солиш.

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижаларига мисоллар келтиринг</i>	
1	
2	
3	
4	

5-карточка:

“Қадриятлар ўрни ва уларнинг тизимини фаолиятга татбиқ этиш” тушунчасига хос тушунчалар:

5.1. Умумлашган кўрсатма.

5.2. Қадриятлар ўрнини тўла ўзлаштириш ва фаолиятга татбиқ этиш.

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижаларига мисоллар келтиринг</i>	
1	
2	
3	
4	

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш назорат саволлари.

1. Кратвол таксономияси нима?
2. Аффектик (ҳиссиётли-қадриятли) соҳа тушунчаси.
3. Идрок этиш нима?
4. Таъсирга жавоб бериш ни нима?
5. Қадриятли йўналишларни ўзлаштириш деганда нимани тушунаси?
6. Қадриятли йўналишларни ташкил этиш кима?
7. Қадриятли йўналишлар ёки улар мажмуини фаолиятда акс этишини тушунтиринг.
8. Кратвол таксономиясидаги камчиликларни гапириб беринг.

Нazorat учун тест топшириқлар.

I. Ўқув мақсадларини кимлар тузиши мақсадга мувофиқ?

А) директор, директор ўринбосари, ўқитувчи;

Б) ўқитувчи, услубчи, фан бўйича мутахассис;

В) ўқитувчи, бош уста, усталар.

Тўғри жавоб: Б

II. Ўқув мақсадларини аниқлаштиришда «_____» усулидан фойдаланиши ижобий натижа беради.

Тўғри жавоб: “Мия хужуми”

III. Идентификацияланган ўқув мақсадлари бу:

А) унга эришилганликни аниқ ўлчаш мумкин бўлган ўқув мақсадлари;

Б) талаба фаолияти билан ифодаланган ўқув мақсадлари;

В) ўқитувчи фаолияти билан ифодаланган ўқув мақсадлари;

Г) фан мавзуси бўйича белгиланган ўқув мақсадлари.

Тўғри жавоб: А, Г

5-амалий машғулот
«Фан (машғулот) ўқув мақсадларини педагогик технология бўйича
аниқлаштириш» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Педагогик технология схемасини тузилишини билади;;
- Ўқув мақсадларини педагогик технология бўйича таҳлил қила олади;
- Хусусий ўқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқа олади;
- Психомотор, аффектив, когнитив мақсадларни фарқлай олади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Танланган фан бўйича ўқув мақсадларини педагогик технология бўйича аниқлаштиради;
- Танланган фан бўйича хусусий ўқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқади.

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Ўқув мақсадларини педагогик технология бўйича аниқлаштиришни билиш лозимлигини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Ўқув мақсадлари каталоги мазмунини тушунтириш;
- ✚ Педагогик технология схемаси асосида ўқув мақсадларини аниқлашни ўргатиш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:


- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание 1989-80 с.
2. Фарберман Б. Л. Прогрессивные педагогические технологии Т.: ИПВССШ. 1999. -84 с.
3. Оконь В. Введение в общую дидактику. Пер. с польск.-Л.Г.Кашкуревича, Н.Г.Горина.-М.:Высш.шк.,1990.-387 с.
4. Усова А. В., Бобров А. А. Формирование у учащихся учебных умений М.: Знание 1987. - 80 с.


Услубий кўрсатмалар:

1-вазифа: Танланган фан бўйича педагогик технология схемасини тўлдиринг.



2-вазифа:

Танланган фан бўйича хусусий ўқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқинг



Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари батареясини ишлаб чиқинг.
2. Ижодий турдаги ўқув мақсадлари учун қўлланиладиган (изланувчан ҳаракатни англатадиган) феъллар қайси?
3. Ёзма матн ахамиятини тушунтиринг.
4. Эталон мақсад нима?
5. Идентификацияланувчи мақсадларни ўқитувчилар гуруҳи тамонидан ишлаб чиқилишини таърифланг.
6. Вазифани тест топшириғига айлантиришга мисол келтиринг.

Назорат учун тест топшириқлар.

1. ТАҚҚОСЛАНУВЧАН А. Педагогнинг аниқ бир машғулотида талабаларни ўқитиш ўқув мақсади _____ мақсади.

Б. Талабаларнинг аниқ ўқув саволномаси асосида таълим олиш натижаси.

В. Талабанинг аниқ фанни ўрганишдан мақсади

Г. Талабанинг аниқ дарс мавзусини ўрганишдан мақсади

Тўғри жавоб: Б

- II. Ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантириш кетма-кетлигини кўрсатинг.

А) аниқ ҳаракат турларини танлаш;

Б) ҳаракатни ифодаловчи феълни танлаш;

В) тест топшириқларини тузиш;

Г) ўқув мақсадларини аниқлаштириш.

Тўғри жавоб: 1-Б, 2-А, 3-В

- III. Идентификацияланувчи ўқув мақсадларига бу ўқитиш _____ ўлчаш мумкин бўлган ўқув мақсадларидир.

Тўғри жавоб: натижаларини аниқ

6-амалий машғулот
«Тест топшириқларининг шакллари» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Тест синовларининг асосий мақсадини тушунади;
- Тест топшириқларига қўйиладиган ишончлилиқ ва валиддилиқ шартларини амалда қўллаш олади;
- Тест синовларининг афзаллиқ ва камчилиқларини таҳлил қила олади;
- Педагогик тест турларини таҳлил қила олади;
- Педагогик тест топшириқлари шаклларини билади ва тушунади; таркибий қисмларини билади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Танланган фан бўйича ёпиқ ва очик тест топшириқларини тузади;
- Мосликни аниқлашга ва кетма-кетликни танлашга доир тест топшириқларини тузади;
- Тест топшириқларининг тўрт асосий шаклларининг афзаллиқ ва камчилиқларини ўзара таққослайди;

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Тест топшириқларининг таълим тизимидаги аҳамиятини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилни бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Тест топшириқларининг асосий шаклларини таҳлилни бажариш;
- ✚ Тест топшириқларининг афзаллиқ ва камчилиқларини аниқлаш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслиқ ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтери

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1993 йил 5 февраль (Наманган ҳақиқати 1995 й. 6 феврал).
2. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. Т.: ТАДИ. 1992. - 74 с.
3. Фарберман Б.Л. Методы разработки и применение педагогических тестов. Т.: РУМЦ. 1995. - 116 с.

4. Вендровская Р. Б. Тесты в американской системе образования. // Педагогика, 2001, №2. С. 96-102.
5. Михайличев Е. А. Норов Ш. К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов. Бух.ИЛПП, 1995. - 24 с.
6. Фарберман Б. Л. Таълимда энг муҳим янгилик. // Маърифат. 1995 йил. 24 май.

Услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилингандан сўнг, ҳар бир талабага индивидуал топшириқ берилади. Талаба топшириқни дафтарда бажариб, ўқитувчига топширади. Топшириқ намуналари қуйида келтирилган.

1-вазифа:

Танланган фан бўйича очиқ, ёпиқ, мосликни аниқлашга доир ва кетма-кетликни топишга доир тест топшириқларини тузинг.

2-вазифа:

ФСМУ технологияси

- (Ф)** – Фикрингизни баён этинг.
(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.
(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

«Тест топшириқларининг 4 асосий шакллари афзаллик ва камчиликлари томонларини кўрсатинг»

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингизни баёнига бирон сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Тестнинг ривожланиш тарихи ва унинг ижобий томонлари.
2. Тест топшириқларини мазмунини аниқлаш кетма-кетлиги.
3. Натижали даражада тузиладиган тест топшириқларига бўлган талаблар.
4. Очиқ ва ёпиқ топшириқлар.
5. Иккита жавобли ёпиқ топшириқларга мисол келтиринг.
6. Мувофиқликка оид топшириқларга тушунча беринг.

Назорат учун тест топшириқлар.

I. Тест топшириқлари гурухларини аниқланг.

- А. Психологик тестлар.
- Б. Педагогик тестлар.
- В. Интеллектуаллик коэффицентини аниқловчи тестлар.
- Г. Муайян касбга яроқлилиқни аниқловчи тестлар.
- Д. Орфографик тестлар.
- Е. Ўқилган матнни тушунишга оид тестлар.

Тўғри жавоб: А, Б, В, Г.

II. Техник фанларни ўқитишда педагогик тест топшириқларнинг қуйидаги шаклларида кўпроқ фойдаланиш мумкин:

- А. Очик топшириқлар.
- Б. _____
- В. Бир неча тўғри жавобли ёпиқ топшириқлар.
- Г. _____
- Д. _____

Тўғри жавоблар: Б. Битта тўғри жавобли ёпиқ тест. Г. Кетма-кетлиқни аниқловчи тест. Д. Ўзаро боғлиқлик (мувофиқлиқни аниқловчи) тест

III. Мувофиқлиқни аниқланг.

- | | |
|-----------------------------------|--|
| 1. Ютуқлар тестлари. | А. Ўқув жараёнида қўлланади. |
| 2. Мезоний йўналтирилган тестлар. | Б. Олимпиада, танлов, кириш имтихонларида қўлланади. |

Тўғри жавоб: 1-Б, 2-А.

7-амалий машғулот
«Аниқлаштирилган ўқув мақсадалрини тест топшириқларига айлантириш»
мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 4 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Мақсад ва вазифаларга асосланган топшириқлар мазмунини тушунади;
- Тест топшириқлар мазмунини аниқлаш кетма-кетлигини билади;
- Вазифа ва мақсадларни тест топшириқларига айлантириш моҳиятини тушунади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Танланган фан мисолида вазифани тест топшириғига айлантиради;
- Танланган фан мисолида масадни тест топшириғига айлантиради;

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Тест топшириқларини тузиш ўқув мақсадига ва натижаларига эришиш усули эканлигини тушунади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Тест топшириқлари мазмунини аниқлаш кетма-кетлигини ўргатиш;
- ✚ Вазифаларни тест топшириқларига айлантиришни ўргатиш;
- ✚ Мақсаднинг тест топшириғига айлантирилишини ўргатиш.

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.


Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1993 йил 5 февраль (Наманган ҳақиқати 1995 й. 6 феврал).
2. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. Т.: ТАДИ. 1992. - 74 с.
3. Фарберман Б.Л. Методы разработки и применение педагогических тестов. Т.: РУМЦ. 1995. - 116 с.
4. Вендровская Р. Б. Тесты в американской системе образования. // Педагогика, 2001, №2. С. 96-102.
5. Михайличев Е. А. Норов Ш. К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов. Бух.ИЛПП, 1995. - 24 с.


6. Фарберман Б. Л. Таълимда энг муҳим янгилик. // Маърифат. 1995 йил. 24 май.

Услубий кўрсатмалар:

1-вазифа: Танланган фан мисолида тест топшириқларини мазмунини аниқлаш кетма-кетлигини қуйидаги жадвал асосида тузинг



2-вазифа: Танланган фан мисолида қуйида келтирилган намунага қараб вазифани тест топшириғига айлантиринг:

Вазифа	Тест топшириғининг шарти	Жавоблар
Муҳим воқеанинг аниқ санасини кўрсатади	Ўзбекистон қайси йили мустақилликни қўлга киритди?	А. 1989; В. 1990; С. 1991 Е. 1992; Д. 1993
Сўз билан ифодаланган ибора математик рамзга айлантирилади	Пифагор теоремасининг математик ифодаланиши _____ (чизик ўрнига жавобни ёзинг)	$c^2 = a^2 + b^2$ кўринишдаги жавоб назарда тутилаяпти
Чизма тасвирни изоҳлайди	V, тезлик  0 t, вақт Ушбу чизма тасвир қандай ҳаракатни акс эттиради ?	А. Текис <u>В.</u> Текис тезланувчан Д. Текис секинланувчан

3-вазифа: Танланаган фан мисолида мақсадни тест топшириғига айлантиринг.
Қуйида намуна берилган:

№	Ҳаракатни ифодаловчи фёъллар	Муайян ҳаракатларнинг тури	Тест топшириғининг шарти
1	Ифодалаб бериш	Ёзма ёки оғзаки равишда ўз ичига асосий қирраларни қамраб олган хусусиятларни ифодалаш	Таққосланувчан ўқув мақсадининг атамасига изох бериш
2	Яқунлаш	Изоҳда бўлмаган асосий сўзни, бошқарувчи атамани киритиш орқали тўлдириш	Таққосланувчан ўқув мақсадини очиқ тест топшириғида ифодалаш (қўшимча киритиш)
3	Таркибларга ажратиш	Бутунликни ташкилий қисмларга бўлиш	Б.Блум таксономиясига алоқадор тавсифномалар

3та вазифа талабалар томонидан индивидуал бажарилиб, дафтарга ёзилади
ва ўқитувчига топширилади.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Тест усули билан баҳолашнинг афзалликлари.
2. Ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантириш усулларини тушунтиринг.
3. Эталон мақсадлар қандай яратилади ва улар қандай тест топшириқларига айлантирилади.
4. Мисол тариқасида кимё курсида ўқув мақсадларини аниқлаштиришни тушунтиринг.
5. Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари нима? (Билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш).
6. Ўқув мақсадларини талабалар хатти-ҳаракати ва фаолияти орқали қандай белгилаш мумкин.
7. Ўқув мақсадларини белгилаш усуллари нима.
8. Ўқув мақсадларини ўқитувчи орқали аниқлаш.

Назорат учун тест топшириқлар.

I. Тест синови биринчи марта а) _____ йилда Буюк Британияда
б) _____ томонидан талабалар билим даражасини текшириш учун
қўлланилган.

Тўғри жавоб: 1-1864, 2-Фишер

II. Тест синови дастлаб психология фани доирасида ривожланиб борди.

А - Ҳа, Б - Йўқ, В - Билмайман.

Тўғри жавоб: А

III. Тест синовини

А. Гамелтон

Б. Торндайк.

ривожланишига ҳисса қўшган

В. Грин.

Г. Рассел. Д. Ҳаммаси тўғри.

олимлар:

Тўғри жавоб: Д

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг _____да қабул қилган қарорига биноан мамлакатимизда тест синовларидан фойдаланишга кенг йўл очилди.

Тўғри жавоб: 05.02.1993й.

8-амалий машғулот
«Тест топшириқлар тузиш. Тест топшириқларини
эмпирик усулда синаш» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади(нимани билади ва тушунади):

- Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талабларни билади ва тушунади;
- Ҳар бир қўйилган талабни таҳлил қила олади;
- Тест режасини ишлаб чиқишни билади;
- Фан бўлимлари бўйича тест режасини туза олади;

Психомоторли мақсадлари(нима қилади):

- “6х6” техникаси ёрдамида тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар таҳлилини бажаради;
- Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқади ва дидактик талабларга мослигини текширади;

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Тест топшириқларини тузиш методикаси билан таништириш;
- ✚ Тест режаларини ишлаб чиқиш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтери

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.
2. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. Т.: РЎУИ. 1995. -102 б.
3. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИП. 1995.-36 с.
4. Фарберман Б.Л. Дидактик талаблар. // Маърифат. 1995. 21 июн.
5. Фарберман Б.Л. Оценки-только обоснованные. // Народное слово. 1996 г. 20 ноябр.

Услубий кўрсатмалар:

1-вазифа:““6х6х6” методи ёрдамида тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар ўрганилиб, таҳлил қилинади. Бунинг учун гуруҳ талабалари сонига қараб 6 тадан 6та (5 тадан 5та ёки 4 тадан 4та) гуруҳчаларга ажратилади. Сўнг ҳар бир гуруҳга ўтилаётган мавзунинг тегишли қисми тарқатилади, яъни 6та гуруҳчага мавзу 6та қисмга ажратилади:

1-гуруҳ: Ўқув мақсадига мувофиқлиги. Тест топшириқларининг мазмуни аниқлаштирилган (идентификацияланган) ўқув мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишига эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.	2-гуруҳ: Материалнинг аҳамиятлилиги. Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйиладиган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий хулосага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хулосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.
3-гуруҳ: Илмий аниқлик. Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.	4-гуруҳ: Изчиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга тааллуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айти бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.
5-гуруҳ: Тўқислик ва уйғунлик. Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бу талаб тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.	6-гуруҳ: Ўзлаштириш даражасига кўра табақаланганлиги. Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эслаб қолганини тасвирлаш, самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим. Бу талаб ҳам тест режасини ишлаб чиқишда амалга оширилиши лозим.

Ҳар бир гуруҳчага топширилган матнларни муҳокама қилиш учун вақт белгиланади. Белгиланган вақт ниҳоясига етганидан сўнг ўқитувчи гуруҳларни қайта шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6та гуруҳнинг

ҳар биридан бир нафар вакил бўлади. Талабалар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими ҳусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган ҳулосаларни муҳокама қиладилар ва якуний ҳулосага келадилар.

2-вазифа: Ҳар бир талаба танланган фан бўйича ўқув мақсадлари ва натижаларига мос тест топшириғи ишлаб чиқади ва ёнидаги курсдоши билан бажарилган вазифалар ёзилган дафтарни тузилган тест топшириқларининг дидактик талабларга жавоб бериш бермаслигини текшириши учун алмашади. Натижалар баҳоланади.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари.

1. Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар нима?
2. Тест режасини ишлаб чиқиш.
3. Тест саволлари мукамал бўлиши учун, уларни тузишда қандай талабларга риоя қилиш керак.
4. Тест спецификацияси деганда нимани тушунасиш.
5. Тест тузувчиларнинг энг характерли хатолари қандай таҳлил қилинади.
6. ўқув материални ўзлаштириш даражалари бўйича тест режасини тушунтириш.
7. Тест топшириқларини эмпирик усулда қандай синалади.
8. Тест таҳлил қилиш жараёни қандай кечади.

Назорат учун тест топшириқлар

I. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишнинг анъанавий услубларидаги камчиликлар.

- А. Баҳолашдаги субъективлик,
- Б. Имтиҳон олувчининг талаба билан мулоқотда бўла олмаслиги,
- В. Назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар,
- Г. Баҳолаш шкаласининг аниқмаслиги,
- Д. Билимларни назорат қилиш, танлаш характерига эга эканлиги,
- Е. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши,
- Ж. Компьютер қўллашнинг қийинлиги,
- З. Жавобларни таърифлашнинг чекланганлиги.

Тўғри жавоблар: А, Г, Д, Е, Ж.

II. Тест режасини ишлаб чиқиш кетма-кетлигини аниқланг.

- А. Тест топшириқларини сонини аниқлаш;
- Б. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш;
- В. Тест топшириқларини фан бўлимлари (боблари) бўйича улушларини аниқлаш;

Г. Тест топшириқларини ўзлаштириш даражаларига мувофиқ ҳолда тақсимлаш.

Тўғри жавоблар: 1-Б, 2-А, 3-В, 4-Г.

III. Тест топшириқларини кимлар тузадилар?

- А. Фан ўқитувчилари ва талабалар;
- Б. Тажрибали ўқитувчилар ва методистлар;
- В. Услубий бирлашма бошлиқлари;
- Г. Фан ўқитувчиси ва директор ўринбосари.

Тўғри жавоб: Б

9-амалий машғулот
«Фан бўйича топшириқларни тузиш методикаси» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Оғзака, ёзма ва тест назорати тушунчаларини билади ва тушунади;
- Оғзака, ёзма ва тест топшириқларини таҳлил қила олади;
- Топшириқ турлари моҳиятини тушунади;
- Топшириқ турларининг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қила олади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Оғзаки, ёзма ва тест назорати асосида фан бўйича топшириқларни тузади;
- Тузилган топшириқларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлилин бажаради.

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- Оғзака, ёзма ва тест топшириқларининг талабалар билимини назорат қилишдаги аҳамиятини тушуниб етади;
- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилин бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- Оғзаки, ёзма ва тест топшириқларини тузиш методикасини ёритиб бериш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. - 84 с.
2. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. Т.: РЎУИ. 1995. -102 б.
3. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе многоэтапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИП. 1995.-36 с.
4. Фарберман Б.Л. Дидактик талаблар. // Маърифат. 1995. 21 июн.
5. Фарберман Б.Л. Оценки-только обоснованные. // Народное слово. 1996 г. 20 ноябр.

Услубий кўрсатмалар:

Талабалардан танлангн фан бўйича оғзаки, ёзма ва тест топшириқларини тузиш ва тузилган топшириқларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлилдини бажариш талаб этилади.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Тест тузувчиларни хатоларини таҳлил қилиш.
2. Тест топшириқлари шаклининг ютуқ ва камчиликлари.
3. Тартибга солиш учун мўлжалланган тест топшириқлари.
4. Педагогик тестларнинг илмий асослари нима.

Назорат учун тест топшириқлар

I. Билимларни ўзлаштириш даражалари кетма-кетлигини аниқланг.

- А. Билим-танишув;
- Б. Самарадор билимлар;
- В. Билим-нусха;
- Г. Ижодий даража.

Тўғри жавоблар: 1-А, 2-В, 3-Б, 4-Г.

II. Тест тузишдаги энг характерли хатоликларни сананг.

- А. Ёпиқ тест топшириқларида таклиф этилаётган жавоблар сонининг озлиги;
- Б. Фақат билиш даражасига оид тестларнинг кўплиги;
- В. _____

- Г. Тўғри жавоблар матнининг катталиги;
- Д. _____

- Е. Тест саволларининг ихчам ва лўнда баён этилмаганлиги;
- Ё. _____

- Ж. _____

Тўғри жавоблар: В. Дарсликка ўта боғлиқ бўлиб қолганлик.

Д. Тўғри жавобларнинг катталиги (бесунақайлиги).

Е. Тўғри жавобни навбатдаги тестда ифодаланганлиги.

Ж. Таърифлардан икки хил маънони англаниши.

10-амалий машғулот
«Ўргатувчи (ўқитувчи) тест топшириқлари» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 4 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):



Психомоторли мақсадлари (нима қилади):



Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):



- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:



- Талабаларни ўқув мақсадлари билан таништириш;
- Мазкур бўлим (ўқув бирлиги)ни ўқитиш режаси билан барча талабларни таништириш;
- Жорий текширувни ўтказиш (ташҳис тест).
- Тўла ўзлаштирмаган талабалар билан қўшимча машғулот ўтказиш.

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание. 1989. - 80 с.
2. Никандров Н.Д. Программированное обучение и идеи кибернетики (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука. 1970 -206 с.
3. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.: ИПВССШ. 1999. -80 с.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Педагогик тест шакллари.
2. Иккита жавобли ёпиқ топшириқларга мисол келтиринг.
3. Тест синовларининг мақсади тўғрисида мисол келтиринг.
4. Тест биринчи қайси мамлакатларда кўпроқ ривож топган.
5. Педагогик тест синовлари ким томондан яратилган.
6. Тест синовларининг асосий мақсади нима.

Назорат учун тест топшириқлари

I. Педагогик инновацияни характерловчи белгиларини кўрсатинг.

- А. Педагогик тизимни такомиллаштиришга йўналтирилган барча ўзгаришлар;
- Б. Ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини ошириш учун киритилган янгилик;
- В. Педагогик тизимнинг айрим қисмларини юқори самара берувчи бошқа қисмлар билан алмаштириш;
- Г. Педагогик тизимнинг ички имкониятларини ишга солиш ва юқорироқ натижага эришиш;
- Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

Тўғри жавоб: Д.

II. «Тико» автомобили двигателядаги асосий деталларни қуйидаги механизмларга мувофиқлиги аниқлансин.

- 1. Кривошип-шатун механизми.
- 2. Газ тақсимлаш механизми.



- А. Тирсакли вал;
- Б. Коромисло;
- В. Клапан;
- Г. Поршен;
- Д. Шатун;
- Е. Пружина;
- Ё. қистирмалар;
- Ж. Тақсимлаш вали;
- З. Поршен бармоқлари;
- И. Йўналтирувчи втулка;
- К. Халқалар;
- Л. Тишли ғилдирак

Тўғри жавоб: 1-А, Г, Д, Ё, З, К; 2-Б, В, Е, Ж, И, Л

11-амалий машғулот
«Педагогик технология принциплари.
Педагогик технология қоидалари» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 2 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Педагогик технология принципларини билади ва таҳлил қила олади;
- Педагогик технология принципларини моҳиятини тушунади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Педагогик технология принциплари таҳлилин бажаради.

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилин бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

➤ педагогик технология принципларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;



Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. : Знание. 1989. -80 с.
5. Никандров Н.Д. Программированное обучение и идеи кибернетики (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука. 1970 -206 с.
6. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. : ИПВССШ. 1999. -80 с.

Қуйида педагогик технологиянинг принциплари таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштириб қўшган фикрларимиз ҳам келтирилган

Услубий кўрсатмалар:

“Зиг – заг” стратегиясини қўллаш жараёни орқали педагогик технология принциплари таҳлил қилинади ва ҳаётий мисоллар орқали жавоблар тўлдирилади. Бунинг учун қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- Талабалар 5 та гуруҳга бўлинади;

- мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5та қисмга ажратилади;
- ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, 3-матн, ва ҳакозолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади;
- белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар;
- вақтни тежаш учун гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар;
- лидерларнинг фикри гуруҳ аъзолари тамонидан тўлдирилиши мумкин;
- барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан кейин ҳар бир гуруҳдан гуруҳ лидерлари ўзларига берилган матн мазмунини бошқа гуруҳ аъзоларига ҳаётий мисоллар орақали гапириб берадилар;
- гуруҳлараро баҳс-мунозара жараёнида гуруҳ талабалари иштирок этадилар ва ўз фикр мулоҳазаларини баён этадилар;
- шу тахлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн ўқувчилар тамонидан ўзлаштирилади.
- Натижалар кўриб чиқилади ва ҳар бир гуруҳ аъзолари фаолликлари инобатга олинган ҳолда баҳоланадилар.

1-ГУРУҲ УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ:

1. Таълим натижаларининг кафолатланганлиги.

- ✓ Корхонада маҳсулот сифати қандай кафолатланса, технологик таълимда ҳам таълим натижаси шундай кафолатланади.
- ❖ Педагогик технология – бу интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқарувчи *конвейердир*. Ундан чиққан маҳсулотларнинг сифати *эталон* асосида белгиланган ва кафолатланган бўлади.
- ❖ Таълим натижаларини қайд қилиш учун махсус тестлар, жадваллар, педагогик таксономиялар қўлланилади. Улар асосида талабаларнинг хатти-ҳаракатлари баҳоланади.

2. Таълимнинг амалий характерда эканлиги.

- ✓ Юз марта кўргандан бир марта бажарган афзал.
- ❖ Технологик таълимда фақат билим эмас, *кўникма ва малакалар* ҳам орттирилади.
- ✓ Таълимнинг назарийга нисбатан амалий характери кучлироқ бўлади.
- ❖ Ўқувчининг бирор билимни ўрганиши, уни ўзи учун кашф қилиши билан баробардир. *Шу сабабли технологик таълимда тайёр билимлар берилмайди, балки улар дарс пайтида ишлаб чиқилади.*
- ❖ Таълим натижалари фақат бирор маълумотни эслаш, айтиб беришдан иборат бўлиб қолмайди, балки бирор амалий ишни бажариш кўникмаси даражасига етказилади.

2-ГУРУҲ УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ:

3. Таълим мақсадларининг таълим натижаларига мослиги.

- ✓ Таълим мақсадлари асосида таълим натижалари ишлаб чиқилади. Кейин таълим натижалари қайта ишланади ва унинг асосида қайтадан таълим мақсадлари тузатилади.

- ✓ Тарбиявий мақсадлар ўқув мақсадларидан келиб чиқиб аниқланади. Тарбиявий мақсадлар асосида ўқув мақсадларига ҳам тузатишлар киритиш мумкин.
- ❖ Тарбиявий натижа бу – ўқувчининг дарсда ортирган ахлоқий тарбияси ва маданияти эмас (ўқувчининг дарс нихоясида маънавий савияси ошиши, ахлоқининг шаклланиши каби), балки физиологик, психологик ва касбий тарбиядир (яъни, диққатни 20 минут давомида чалғимасдан ўрганилаётган объектда ушлаб тура олиш, берилган муаммо бўйича техник фикрлай олиш, бошқа ўқувчиларга ўз фикрини ўтказа олиш ва ҳ.к.).

4. Таълим натижаларининг ишончлилиги.

- ✓ Таълим натижалари аниқ бўлиши, битта мазмунни ифодалаши зарур.
- ❖ Махсулот сифати корхона лабораториясида қандай ўлчанса, таълим натижаси ҳам шу каби ўлчанувчан хусусиятга эга бўлиши зарур (тестлар, саволлар ва ш.к. билан).
- ✓ Педагогик технология такрорланганда доим бир хил натижаларга эришилиши зарур.
- ❖ Дарс берувчи ким бўлишидан қатъий назар (профессор ёки катта ўқитувчи) эталон натижалар таъминланиши зарур.

3-ГУРУҲ УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ:

5. Дарснинг тизимли, босқичма-босқич режалаштирилган дастур асосида ўтилиши.

- ❖ Ҳар бир мавзу ва унинг босқичлари вақт бўйича ва мантиқан режалаштирилади.
- ✓ Таълим натижаларига босқичма-босқич эришилади.
- ✓ Таълим босқичлари ўзаро боғлиқликда бўлади.

6. Асосий эътиборнинг ўқувчига қаратилиши.

- ✓ Педагогик технологияда ўқитувчининг вазифаси маълумот бериш эмас, балки ўқувчининг дарс материални ўрганишини ташкил қилишдир.
- ❖ Дарснинг асосий қисми ўқитувчининг монологи шаклида эмас, балки ўқувчиларнинг фаолияти шаклида ташкил қилинади.
- ❖ Ўқувчи ўз ўртоғидан, ўқитувчидан ўргангандагига қараганда эркинроқ ва яхшироқ ўрганади.
- ❖ Ўргатган одам икки карра кўпроқ ўрганади. Шу сабабли ўқувчилар бир-бирига ўргатиб ўрганиши ташкил қилинади.
- ❖ Ўқувчи нафақат маълумотни билиши, балки уни амалда қўллай олиши, бошқага ўргата олиш кўникмасига эга бўлиши керак.
- ❖ Ижрочи миқдорнинг хоҳишига қараб иш кўради. Шу сабабли ўқитувчи дарсни ташкил қилишда ўқувчининг қизиқишларини эътиборга олади.

4-ГУРУҲ УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ:

7. Педагогик технологияларнинг педагогик жамоада ишлаб чиқирилиши.

- ✓ Педагогик технологиялар педагогик гуруҳлар томонидан ишлаб чиқирилади.
- ❖ Педагогик технологияларни ишлаб чиқиш – мураккаб ва қийин жараён бўлиб, бунда худди янги компьютер дастурини яратиш каби дарс мавзусини ўқитишнинг янги методикасини ишлаб чиқирилади.

1. Педагогик технология тамойиллари
2. Педагогик технология қоидалари
- А. Эквивалентли амалиёт;
 Б. Аналогик амалиёт;
 В. Бошқарувчи қурилмалар тизими;
 Г. Натижани билиш;
 Д. Циклик бошқариш;
 Е. Ўқув қадамлари;
 Ё. Индивидуал суръат;
 Ж. Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар;
 З. Махсус техник қурилмалар;
 И. Топшириқларни қийинлашиб бориши;

Тўғри жавоблар: 1-В, Д, Е, Ё, З, И; 2-А, Б, Г, Ж;

II. Педагогик технология тамойиллари дидактика тамойилларини инкор қиладими?

Жавоблар: А - Ҳа; Б - Йўқ; В – Билмайман

Тўғри жавоб: Б

III. Педагогик технология қоидалари ўзлаштиришнинг _____ даражасида кўпроқ амал қилади.

Тўғри жавоб: репродуктив

IV. П. Д. Галперин ва Н. Ф. Тализина назарияси _____ босқичма-босқич шакллантиришни ифодалайди.

Тўғри жавоб: ақлий ҳаракатлар.

V. Р. Ганъе ва Л. Бригслар таклиф этган дарс таркиби:

- А. Талабалар диққатини жалб қилиш.
 Б. _____ тушунтириш.
 В. Фаоллаштирилган билим ва кўникмаларни _____
 Г. Аниқ реакция пайдо қилувчи _____ тушунтириш.
 Д. Талабалар реакциясини рағбатлантириш.
 Е. қайтувчан алоқа ўрнатиш.
 Ё. Эгалланган билим ва кўникмаларни _____
 Ж. _____

Тўғри жавоблар: Б -дидактик мақсадни тушунтириш.

В - рағбатлантириш.

Г - ўқув материалыни тушунтириш.

Ё – рағбатлантириш

Ж - баҳолаш

12-амалий машғулот
«Репродуктив ва ижодий даражалардаги педагогик технологиялар. Ўқув
материалини тўла ўзлаштириш технологияси» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма
(ажратилган соат – 4 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Ўзлаштириш дарааларига мос тест топшириқларини билади ва тушунади;
- Ўзлаштириш даражаларига мос тест топшириқларини таҳлил қила олади;
- Репродуктив ва продуктив ўзлаштириш дараасидаги тест топшириқлар моҳиятини тушунади;
- Ўзлаштириш даражаларига мос тест топшириқларини туза олади.

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Танланган фан мисолида ўзлаштириш даражаларига мос тест топшириқларини тузади

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилини бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Ўзлаштириш даражаларига мос тест топшириқлари мазмуни билан таништириш;
- ✚ Ўзлаштириш дарааларига мос тест топшириқлари тузиш кўникмаларини шакллантириш.

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. : Знание. 1989. - 80 с.
2. Никандров Н.Д. Программированное обучение и идеи кибернетики (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука. 1970 -206 с.
3. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. : ИПВССШ. 1999. -80 с.

Услубий кўрсатмалар:

Ўзлаштириш даражаларига мос тест топшириқларини тузиш бўйича ҳар бир талабага индивидуал топшириқ берилади. Бунинг учун талаба танланган фан асосида тест топшириқларини тузиши ва бажарилган ишни ўқитувчига топшириши керак.

Топшириқни бажариш намунаси қуйида келтирилган:

Ахборотни билиш даражасидаги тест топшириғи:

ДОИРА ЮЗИ ИФОДАСИ	A. $2\pi R^2$
	B. $\frac{\pi R^2}{2}$
	D. $\frac{\pi R^2}{4}$
	E. πR^2
	D. $2\pi R$

Бу топшириқ ўқувчидан πR^2 ифодасини эслаш, аниқлаш, фарқлашни талаб қилади.

Репродуктив ўзлаштириш даражасидаги тест топшириғи:

Радиуси 2 см бўлган доиранинг юзи _____ га тенг

Бу тестни ёддан ечиш мумкин эмас, шунинг учун уни ҳисоблаш лозим.

Доира юзини ҳисоблаймиз:


1) πR^2 иборасини эсланг;

2) π қ 3,14 (вергулдан кейин икки сон аниқлигида) сон жихатдан маъносини эсланг;

3) Радиус узунлигини квадратга олинг: $2^2=4$

4) Доира юзини ҳисобланг: $S = 12,56$


Продуктив ўзлаштириш даражасидаги тест топшириғи:

Ҳалқа юзининг ички доира юзига нисбати: R^4 , r^2	A. 3:1	
	B. 4:1	
	D. 6:1	
	E. 8:1	
	F. 10:1	

Бу топшириқни ҳар хил йўллар билан ечиш мумкин. Улардан бирини кўриб ўтамыз:

$$\frac{\pi R^2 - \pi r^2}{\pi r^2} = \frac{16 - 4}{4} = 3 : 1$$

Ижодий ўзлаштириш даражасидаги тест топшириғи:

Изланувчи-ижодий ўзлаштириш даражаси  Тилла ранг бўёқ билан қопланадиган майдоннинг катталиги _____ га тенг	Рассомлар бинонинг ички деворларини бўяш ва ишлов бериш билан бандлар. Деворларнинг бирида думалоқ дераза жойлашган. Безак бериш мақсадида рассомлардан доирага қаратиб узунлиги дераза баландлигига тенг 2 та вертикал чизиклар ўтказишни илтимос қилишибди. Кейин улар деразани ўраб олувчи юқоридан ва пастдан яримдоиралар қўшмоқлари лозим экан. Дераза ва чизиклар орасидаги сатҳ тилларанг бўёқ билан қопланиши керак. Ҳар бир кв. сантиметрга маълум миқдорда бўёқ кетади. Иккала ярим ой сатҳини бўяш учун қанча бўёқ кетади ёки уларнинг майдони нечага тенг?
--	---

Таклиф этилган масалани ечиш учун тайёр қоида йўқ, уни ишлаб чиқиш лозим (ечими қуйида келтирилмоқда).

Масалани ечиш учун дераза доирасига чет чизикларга тик бўлган иккита уринма чизик ўтказиш лозим. Ҳосил квадратга ҳаёлан устки ва пастки ярим доираларни киритиш лозим. Шунда тилларанг бўёқ билан қопланадиган тўла майдон томони $2R$ га тенг бўлган квадратга киради. Тўғри жавоб $4R^2$.

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Тўла ўзлаштиришга эришиш ғоясининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисида тушунча беринг.
2. Тўла ўзлаштириш технологиясининг чегаранганлигини гапиринг.
3. Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этиш ўқитувчи шахсига қандай талаблар қўяди?
4. Тўла ўзлаштириш услубининг эстонча вариантыга таъриф беринг.
5. Ўқитишнинг индивидуал ёзма усуллари тушунтиринг.
6. Ўқитишнинг индивидуал-бригада усуллари таъриф беринг.
7. Индивидуал-ёзма кўрсатмали ўқитиш усулида ўзлаштириш даражаси неччи фоиз деб белгиланган.
8. Репродуктив кўникмалардан изланувчан (ижодий) кўникмаларни шакллантиришга қандай ўтиш мумкин?

Нazorат учун тест топшириқлари

I. Ж. Блок ва Л. Андерсенлар ишлаб чиққан услубида тўла ўзлаштириш эталони аниқ ифодаланади, ўқув мақсадлари 1) _____ бўлинади, эришиш лозим бўлган аниқ 2) _____ рўйхати тузилади, уларга мувофиқ ҳолда _____ тузилади, қўшимча _____ тайёрланади.

Тўғри жавоблар: 1. майда бўлақларга бўлинади.

2. ўқув мақсадлар.

3. тест топшириқлари.

4. ўқув материали

II. Тўла ўзлаштириш технологиясида қадамлар кетма-кетлиги аниқлансин.

А. Кириш қисми-ўқув чиларни тўла ўзлаштириш услуги бўйича ишлашга йўналтириш.

Б. Ўзлаштириш тўлақонлигини аниқлаш.

В. Ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирилганлигини таъминлаш.

Г. Ҳар бир талаба олган баҳони тезлик билан изоҳлаш.

Тўғри жавоблар: А, В, Б, Г.

III. Репродуктив кўникмалардан ижодий кўникмаларга ўтиш варианты _____ томонидан таклиф этилди. У қуйидаги босқичлардан иборат:

1. _____

2. Репродуктив даражадаги кўникмаларни шакллантириш;

а) Фаолиятни яхлитлигига ва _____ кўрсатиш.

б) Кўникмаларни соддалаштирилган шароитда ўзлаштириш.

в) _____ ташкил қилиш.

3. Изланувчан, яратувчанлик фазасига ўтиш.

а) Турли хил _____ ностандарт мисолларни ечиш ва _____

б) Талабалар томонидан ўз фаолиятларини ўзлари _____ ва _____

Тўғри жавоблар: Ромишевски. 1. Керакли билимларни етказиш.

2а.) Қисмларга ажратиб

в) узлуксиз қайтувчан алоқани

3.а) муаммоли вазиятларни, имитацион моделлаш

б) таҳлил қилиш ва ўқитувчи билан мулоҳаза қилиш.

13-амалий машғулот

«Критик (танқидий) фикрлаш асосларини қўллаб машғулотларни лойиҳалаш.

Ёзма нутқни ривожлантириш орқали фикрлаш қобилиятини
ривожлантирувчи усуллардан фойдаланиш методикаси.

Машғулотнинг дидактик конструкцияси» мавзусидаги
амалий машғулотни ўтказишга услубий ишланма

(ажратилган соат – 4 соат)

Ўқитишнинг кутилган натижалари:

Когнитив мақсади (нимани билади ва тушунади):

- Критик фикрлаш асосларини билади ва тушунади;
- Критик фикрлаш асосларини қўллаб машғулотларни лойиҳалай олади;
- Ёзма нутқни ривожлантириш орқали фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи усуллардан фойдаланиш методикаси моҳиятини тушунади;

Психомоторли мақсадлари (нима қилади):

- Машғулотнинг технологик харитасини ишлаб чиқади;
-

Аффектив мақсади (нима ҳис қилади):

- ўрганиладиган масалага қизиқиш уйғотади ва унинг муҳокамасида қатнашади;
- таҳлилни бажаришда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашга интилишини намоён қилади.

Ўқитишнинг ўқув – тарбиявий мақсади:

- ✚ Критик фикрлаш тушунчаси маъносини ёритиб бериш;
- ✚ Критик фикрлаш асосида дарс машғулотларини лойиҳалаш;
- ✚ Машғулотнинг технологик харитасинини ишлаб чиқиш;

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланма.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

Қўлланиладиган усул ва амаллар:

- жалб қилувчи саволлар;
- индивидуал иш;
- кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. “Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари” Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2006. – 149-175б.
2. Шожалилов А., Абдурахимов С.А., Гофуров С.А., Юсупов Ф.М. “Инженерлик педагогикаси ва илғор педагогик технологиялар” Т.: 2004.- 29-44б.
3. Фарберман Б. Л. Таълимда энг муҳим янгилик. // Маърифат. 1995 йил. 24 май.

Услубий кўрсатмалар:

Талабалардан танланган фан бўйича машғулот технологик харитасини ишлаб чиқиш талаб этилади. Қуйида технологик харита ишлаб чиқиш бўйича намуна келтирилган:

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 18
Машғулот шакли	Якка тартибда топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот
Маъруза режаси	1.Педагогик техника ҳақида тушунча 2.Педагогик техниканинг таркибий қисмлари (нутқ маданияти, мимика ва панто-мимика,ўз руҳий ҳолатини бошқариш)
Машғулотнинг мақсади: Талабаларни мавзу бўйича олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ҳамда мустақил фаолият юритиш малакаларини шакллантириш	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари.
1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Педагогик техника ва унинг педагогик фаолиятдаги ўрни юзасидан эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади 4. Мантиқий хулосаларини умумлаштириб ўзининг эркин фикрини намоён этади
Ўқитиш методлари	ФСМУ технологияси, Т – схема технологияси, амалий ишлаш усули, баҳс-мунозара
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, маркерлар, формат қоғозлар, амалий машқлар ва тестлар мажмуаси
Ўқитиш шакллари	Жамоавий ва якка тартибда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Озгаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
I. Кириш босқичи (10 минут)	1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади	Тинглайдилар
	2. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари яна бир бор эслатиб ўтилади	Тинглайдилар
II. Асосий босқич (60 минут)	1. Машғулот жараёнида талабаларни фаоллигини ошириш мақсадида тезкор савол-жавоб ўтказилади	Фаол қатнашишига ҳаракат қилади
	2. Талабаларга якка тартибда “Маҳоратли педагог ким” деган топшириқни Т-схема асосида ишлаб чиқишлари топширилади	Тинглайди ва тушунмаган масалаларни ўқитувчидан сўрайди
	3. Т-схема технологияси билан ишлаш қоидаси таништирилади	Тинглайди
	4. Талабалар фаолиятини назорат қилиб боради	Амалий топшириқ-ни якка тартибда бажаради
	5. Т – схемани тўлдирishi натижаларини текширади, хато-камчиликларни аниқлайди ва умумлаштирган ҳолда тушунтиради	Тинглайди
	6. «ФСМУ» техникасидан фойдаланилган ҳолда «Педагог ўз руҳий ҳолатини қандай бошқариш лозим?» деб савол билан мурожаат қилади	«ФСМУ» техни-каси асосида ўз жавобларини формат қозғога ёзадилар, ўқитувчига тақдим қиладилар
	6. Ҳар бир талаба жавобларини текширади, уларги якуний хулоса чиқаришига ёрдам беради ва жавобларни умумлаштиради	Тинглайди
III Якуний босқич (10 минут)	1. Мавзу бўйича қисқача хулосалар чиқариб мавзуга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади Аниқлайди
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. Назорат учун саволларга жавоб бериш топширилади	Ёзади

Талабалар ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат саволлари

1. Танқидий фикрлашга ўргатиш педагогик технологиянинг асосий мақсади нимадан иборат.
2. Танқидий фикрлашнинг психологик моҳиятини гапириб беринг.
3. Танқидий фикрлашга ўргатиш усуллари айтинг.
4. Стил ғояси тўғрисида тушунча беринг.
5. Дж.Т.Диллон томонидан мунозарага раҳбарлик қилишда қўлланиладиган топшириқларни баён этинг.
6. Ёзма нутқ нимани талаб этади.
7. Ёзма нутқ талабаларда қайси сифатларни шакллантиради ва ўстиради?
8. Ўқилган материал юзасидан фикр билдириш.

Назорат учун тест топшириқлар

- I. Индивидуал бригада усули қуйидаги ҳолатларда қўлланилади.
- A. Гуруҳ бўйича ўзлаштириш нихоятда паст бўлганда;
 - B. Гуруҳ бўйича ўзлаштириш ўртача бўлганда;
 - B. Гуруҳ бўйича ўзлаштириш ёйилмаси жуда катта бўлганда;
 - Г. Гуруҳ бўйича ўзлаштириш юқори бўлганда.

Жавоблар: 1-А,Б; 2-А,В, 3-В,Г; 4-Б,Г; 5-А,Г

- II. Индивидуал бригада усули талабаларда...
- A. Ҳамкорликда ишлаш малакасини шакллантиради;
 - B. Ўзаро ёрдам ҳиссини вужудга келтиради;
 - B. Ўзаро назорат ҳиссини таркиб топади;
 - Г. Шахслараро муносабатга мойилликни шакллантиради;
 - Д. Ҳамма жавоб тўғри.

Жавоб: Д.

III. «Тафаккурни моделлаш»да ўқитувчи талабаларнинг фикрлаш йўналишларини аввало _____ ва ўқув материалнинг тушунтиришда унга асосланади.

Жавоб: ўзича тасаввур қилади.

IV. Ролларга бўлиб ижро этиладиган ўйинларда унинг иштирокчилари (ўқитувчилар) а) _____ қиёфасига кириб, ўқув материални ўзлаштиришда уларга хос бўлган б) _____, в) _____ ва г) _____ ни англатувчи ҳаракатларни бажарадилар.

Жавоблар: а) талабалар; б) идрок; в) реакция; г) қийинчиликларни.

V. Туташтирилувчи чизиклар услуби дарс а) _____ ва уни эришиш учун қўлланилган дидактик конструкцияларнинг самарадорлигини б) _____ томонидан ҳолисона баҳолаш учун қўлланилади.

Жавоблар: а) мақсади; б) талабалар.

VI. Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этиш ўқитувчи шахсига қандай талаблар қўяди?

А. Инсонпарварлик ҳислатларини такомиллаштириш;

Б. Ҳар бир дарснинг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаш ва уларни тест топшириқларига айлантириш;

В. Дарснинг стандартлашган лойиҳасини яратиш;

Г. Ўзи кўникиб қолган айрим дарс ўтиш усулларидадан воз кечиш;

Д. Компьютерда ишлашни билиш;

Е. Ҳамма жавоб тўғри.

Жавоблар: Е.